



MASOFAVIY TA'LIMDA SMART TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

O'RINBOYEV ZOKIR MAVLONOVICH,

Samarqand davlat universiteti tayanch doktoranti

zokirurinboyev@mail.com

MAXMUDOVA DILFUZA MELIYEVNA,

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika
instituti*

dotsenti, p.f.d. (DSc)

dilfuzamahmudova@mail.ru;

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp382-385>

Annotatsiya: Ushbu maqolada masofaviy ta'limda SMART texnologiyalardan foydalanish haqidagi materiallar va ma'lumotlar tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada SMART-shaharlar, SMART-iqtisodiyot, SMART-jamiyat, SMART-ta'lim, SMART-universitetlar va boshqalar kabi inson hayotining turli sohalaridagi SMART tushunchasining roli tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: SMART, SMART-ta'lim, SMART-texnologiyalar, SMART konsepsiyasi.

Кириш (Introduction). Ҳозирги замонда нафақат иқтисод ва сиёсатда, балки тўла объектив жараён сифатида намоён бўлган таълимда ҳам глобаллашув анъаналарига эътибор берилмоқда. Бунга янги ахборот технологияларининг кенг тарқалиши ва яхши ўзлаштирилиши орқали эришилмоқда. Таълимни глобаллаштириш йўлида ягона «ўқитиш тили»нинг мавжуд эмаслиги муаммоси турибди. Шунга қўра, ягона концепция доирасида турли таълим муассасаларини мувофиқлаштириш учун махсус лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Интернетда таълим порталлари ёрдамида нафақат электрон маълумот курслари, балки анъанавий ўқитиш имкониятлари каби бир қатор афзалликларга эга бўлган электрон ўқитиш тизимлари ҳам яратиш мумкин.

- **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).** SMART тушунчаси Питер Фердинанд Дрюкер (19.11.1909 - 11.11.2005) - австриялик америкалик олим; иқтисодчи, публицист, ўқитувчи, XX асрнинг энг нуфузли бошқарув назариётчиларидан бири билан боғлиқ. Питер Дрюкер 1954 йилда фанга SMART қисқартмасини киритди. Шунингдек, А.Карманов [6], А.Нестерова [7], И.Шубина [10], О.Долженко [5], Б.Элов [1], Г.Поллак, Б.Славин, А.Алетдинова каби олимлар SMART-технологиялар мавзусида тадқиқот олиб боришди.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақола тайёрлаш жараёнида SMART тушунчасига оид илмий, оммабоп, педагогик, методик, дидактик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, ташхислаш методларидан фойдаланилди.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** SMART технологияларни тайёрлаш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) SMART технологияларни яратиш тартиби ҳақида вазифалар;
- 2) SMART технологиялар таркибига қўйиладиган талаблар;
- 3) ўқув фани ишчи дастурини яратиш услубиёти;
- 4) фан бўйича ўқув қўлланмаларини яратиш услубиёти;
- 5) фан бўйича практикумни яратиш услубиёти;
- 6) SMART технологияларни безашга қўйиладиган талаблар;
- 7) SMART технологияларни нашр этишга тайёрлаш тартиби ҳақидаги қоидалар.

Ўшбу технологияни қўллаш натижасида ўрганувчилар сони сезиларли даражада ошади, ўқитишнинг самарадорлик даражаси ўсади.

Ўқитишнинг масофавий шакли, айниқса, олий таълимда борган сари ўзини ишончлироқ намоён қилмоқда. Уни кундузги ўқиш шакли билан таққосланганда ўқитишнинг масофавий шакли иқтисодий томондан қулайроқ. Бу, ўз навбатида, ихтиёрий шахс нисбатан кам моддий харажатлар орқали касбга эга бўлиши, малакасини ошириши, касбий фаолиятга йўналтирилиши, ўз билимини янги маълумотлар билан тўлдириши мумкин.

Ўқитиш жараёни биринчи ўринда масофавий таълимда ўзининг ташкил этилишининг интерфаоллиги, яъни талаба ва ўқитувчининг алоқалари, талабаларнинг ўзаро алоқалари билан, билимларнинг аниқ бир соҳасига эга эканлиги билан характерланади. Демак, масофавий ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро алоқаси масофавий ажралган ҳолда ўқитиш воситалари тўплами, жумладан, электрон маъруза, ресурс ёки курслар бўлади. Мустақил ўқиш тизимида ўқитувчи бўлмайди, у ўқувчининг мустақил фаолиятидир. Масофавий ўқитишнинг мустақил ўқиш тизимидан фарқи ана шунда. Мустақил ўқиш видеокассетадаги автоном курслар, телевизион ва радиодаги курслар, компьютер дастурлари ва компакт дисклардаги дастурлар билан ишлашдир. Шу қаторга ўқитувчи ва талаба орасидаги кўрилмайдиган тармоқдаги дастурлар асосида ўқиш жараёни ҳам киради. Бу ҳолда “масофавий” атамасини қўллаш ноўрин, чунки бу ерда талабанинг ўргатувчи дастурлар, турли ташувчилардаги ахборот таълим ресурслари билан мустақил ишлаши ҳақида гап боряпти. Талаба китоб, видеокассета ва тармоқдаги курс билан мустақил ишлаши мумкин. Масофавийлик тушунчаси эса ўқитувчи билан талаба масофа билангина ажратилиб турган ҳолдагина қўлланилади. Масофавий шакл бу ўқитишнинг сиртқи шаклининг аналогиси эмас. Бу ерда сиртқи ўқиш шаклидан фарқли равишда улар махсус интернет технологиялари воситалари ёрдамида боғланиладилар. Масофавий ўқитиш бу кундузги, сиртқи, экстернат шакллар қаторидаги ўқитишнинг янги шаклидир ва унга айнан ўқитишнинг мустақил тизими сифатида қараш лозим. Инсонни ўқитиш ва тарбиялашда қандай шаклдан фойдаланилмасин, у педагогика, дидактика ва хусусий услубиётнинг қонуниятларига мос келиши ва уларни ўзида мужассамлаштириши керак. Масофавий таълим ёки масофавий ўқитиш асосий ёки қўшимча бўлиши мумкин. Кейинги ҳолда биз масофавий педагогик фаолият ҳақида гапиришимиз мумкин (масофавий семинарлар, викториналар, анжуманлар, олимпиадалар, стажёр-тадқиқотчилар билан ишлашни ташкил этиш).

Агар ўқитишнинг масофавий шаклига мустақил тизим сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда ахборотнинг электрон манбаларини, яъни виртуал кутубхоналар, турли малака оширишлар, маслаҳат хизматлари, мультимедиа дидактик

воситалар, услубий бирлашмаларни ўз ичига олган ягона ахборот-таълимий муҳитни яратиш зарурлиги ҳақидаги мантиқий хулоса келиб чиқади. Демак, гап масофавий ўқитиш ҳақида борар экан, биз ўқитувчи, ресурс (ахборот-услубий таъминот) ва талаба мавжуд бўлган тизимни кўриб чиқамиз. Ҳозирги замонда масофавий ўқитиш тушунчаси бизда ва чет элда тобора кўпроқ тан олинаётганини таъкидлаш керак. Бундан эса, ўз навбатида, масофавий ўқитишнинг дидактик таъминотини – электрон курслар, ресурслар, ўқув қўлланмалари, ўқитиш тизимининг ахборот таъминотини, педагогик технологияларни, ўқитишнинг услуб ва шакллари, педагог-координаторлар ва тьюторларни тайёрлаш зарурати туғилади. Маъруза матнларини, ресурс ва ўқув қўлланмаларини электрон шаклга алмаштириш муаммоларни ҳал қилмайди, аксинча, масофавий ўқитиш жараёнини қийинлаштиради, холос. Негаки бунда ўқув материални етказиб бериш шаклигина ўзгаради. Тизимнинг бошқа барча ташкил этувчилари сиртқи ўқитишдаги каби бажарилаверади. Бундан келиб чиқадики, назарий ишлаш, тажриба билан текширишлар, жиддий илмий-тадқиқот ишлари талаб қилинади. Афсуски, биз учун интернетда кўраётганимиз компакт дискларнинг кўпчилиги педагогиканинг элементар талабларига жавоб бермайди. Масофавий таълим учун ишлаб чиқарилган педагогик маҳсулотлар элементар дидактик талабларга мувофиқ эмас. Электрон курслар, электрон ресурсларга худди дастур ва ресурслар ишланишига қарагандай жиддий ёндашиш керак.

Smart-таълим ёки “ақлли” таълим - бу интерактив таълим муҳитида ҳамма учун очиқ бўлган контентдан дунёнинг исталган нуқтасидан туриб фойдаланиш имконини берувчи мослашувчан таълим [7].

Smart-университетнинг вазифаси smart-жамиятда ишлаш кўникмаларига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдир [9].

Хулоса. Масофавий ўқитиш тизими узлуксиз таълим тизимида кундузги, сиртқи, экстернат ўқитиш тизимлари қаторида кўрилиши керак. Педагогиканинг асосий тамойилларини ўзида акс эттирадиган шахсий йўналтирилган ёндашув дунё педагогик жамоалари томонидан замонавий таълим тизимларининг барча шакллари учун тан олинган. Ўқитиш марказида ўқитиш жараёни эмас, талабанинг шахсий имкониятлари ва қобилиятидан келиб чиқадиган билиш фаолияти, ўрганиш туради. Ўқитувчининг фаолияти талабаларнинг маҳсулий фаолиятининг ташкил этилишига йўналтирилган бўлиши керак. Бинобарин, таълим тизимининг асосий мақсади шахснинг интеллектуал ва маънавий жиҳатларини ривожлантириш, танқидий ва ижодий фикрлашни шакллантириш, ахборотлар билан ишлашни ўргатишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References):

1. Elov, B.B., Organization and management of the learning processes based on smart technology. Abstract of Dissertation of The Doctor of Philosophy (Phd) on Technical Sciences, 2018.
2. Smart-технологии в высшем образовании. 2017. <http://www.library.fa.ru/exhib.asp?id=199>
3. There's a S.M.A.R.T. way to write management's goals and objectives // Management Review. — Volume 70, Issue 11(AMA FORUM). — P. 35-36».

4. Алетдинова А.А. Развитие Smart-образования как инновационной технологии /Алетдинова А.А., Мельниченко А.А. //Вестник Югорского государственного университета. -2015.-Выпуск№ S2 (37)

5.Долженко О.В. Университет и образование: между прошлым и будущим. // Педагогика и просвещение. - 2013. - № 1. - С. 19-36. DOI: 10.7256/2306-434X.2013.01.3

6.Карманов А.М. Smart как качественно новая ступень развития постинформационного общества //Статистика и экономика. -2014.-№ 5.

7.Нестерова А. О соотношении SMART общества и общества, построенного на знаниях, (препринт, апрель 2014 г.)

8.Поллак Г.А. Smart-образование: новые вызовы и новые возможности //Педагогические и информационные технологии в образовании. -2015.-№ 14.

9.Славин Б. Закат университетов // URL: <http://ibusiness.ru/blogs/26195>.

10.Шубина Ирина Владимировна Smart и развитие современного образования // Статистика и экономика. 2015. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/smart-i-razvitie-sovremennogo-obrazovaniya>

11.(дата обращения: 20.08.2021).

«SMART» ТУШУНЧАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ЎЗМУ хабарлари, 2021, [1/5/2]В 23-25